


А. БОҚИЕВ  
А. ШАЙДУЛЛАЕВ  
З. ЙЎЛДОШЕВА

# ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АНВАР БОҚИЕВ, АЛИШЕР ШАЙДУЛЛАЕВ  
ЗУБАЙДА ЙЎЛДОШЕВА

# ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

ТОШКЕНТ  
«YANGI NASHR»  
2015

УЎК: 821. 222. 8 – 1  
84(5Ў)  
Б25

*Термиз Давлат Университети Илмий Кенгашининг қарорига  
биноан чоп қилинди.*

**Боқиев, Анвар**

Окс цивилизацияси. / Боқиев А., Шайдуллаев А.,  
Йўлдошева З. Тошкент: «Yangi nashr», 2015. – 176 бет.

**КБК 84(5Ў)**

ISBN-978-9943-22-192-5

**Масъул муҳаррир:**

*т. ф. д. профессор А. С. Сағдуллаев*

**Тақризчилар:**

*т. ф. д., профессор Б. Эшов,*

*т. ф. д., профессор Ў. Мавлонов*

Монография Окс цивилизациясининг умумий таърифига бағишланган. Унда Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда цивилизация қарашларнинг шаклланиши масаласи муҳокама этилган. Ўрта Осиёнинг бронза даври маданиятларига илк цивилизациялашув жараёнлари кечган давр сифатида қаралган. Окс цивилизациясининг пайдо бўлишида миграцияларнинг ўрни, маҳаллий илдизлари ва ижтимоий хусусиятлари очиб берилган.

Илк цивилизацияларнинг энг муҳим жиҳати бўлган ёзувлар масаласи муҳокама этилиб, ўрганилаётган даврнинг ашёларга асосланган ёзув усуллари, пиктографик белгили ёзувлари муҳокама этилган ва қадимги дунё ёзувлари билан таққослаш натижалари асосида умумий хулосалар чиқарилган.

Монография тарихчи, археолог ва Ўзбекистоннинг қадимги даврлари билан қизиқувчи барча ўқувчиларга мўлжалланган.

ISBN-978-9943-22-192-5

© «Yangi nashr», 2015

## МУНДАРИЖА

Кириш..... 4

### I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ЦИВИЛИЗАЦИОН ҚАРАШЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

- I.1. Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда цивилизация  
қарашлар ..... 17
- I.2. Окс цивилизацияси ҳақида умумий тушунчалар ..... 37

### II БОБ. ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ, ЕТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ЖАРАЁНЛАРИ

- II. 1. Окс цивилизациясининг пайдо бўлишида  
миграцияларнинг ўрни ..... 56
- II. 2. Окс цивилизациясининг маҳаллий илдишлари ..... 77
- II. 3. Окс цивилизациясининг ижтимоий характери ..... 88

### III БОБ. ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ЁЗУВ ТИЗИМИ

- III. 1. Окс цивилизациясининг ашёларга асосланган ёзув усуллари ..... 104
- III. 2. Окс цивилизациясининг пиктографик белгили ёзувлари ..... 121
- III. 3. Окс пиктографиясини қадимги дунё ёзувлари  
билан таққослаш натижалари ..... 138
- Хулоса ..... 147
- Адабиётлар ..... 151
- Шартли белгилар ..... 174

## КИРИШ

Президент И. А. Каримов таъкидлаганларидек, «ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур»<sup>1</sup>. Тарихни ёритишда бирёқламаликка, субъектив фикрларга йўл қўймаслик зарур, «фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади»<sup>2</sup>.

Президентимиз ҳар бир ўзбек фарзанди «менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган» деган саволларни ўзига-ўзи бериши кераклигини қайта-қайта уқтиради<sup>3</sup>. Бу масалада «Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратилдими-йўқми?»<sup>4</sup> деган зарурий саволни беради ва шўролар даврида, ўзгалар ёзиб берган, сохта ғоялар асосида ёзилган тарихни қайта кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлайди.

Ўрта Осиё, қолаверса Ўзбекистон тарихида ибтидоий тарих ва цивилизация ўртасидаги чегара, илк цивилизацияларнинг шаклланиши муаммоси тўлиқ ўрганилган масала эмас. Бу масалада тарихчиларнинг бир қарорга келишлари ҳам анча қийин кечиши ҳам табиий ҳол. Негаки, ҳозиргача олимлар цивилизация тушунчаси ва унинг асосий белгилари хусусида бир фикрга келмаган бўлсалар, бу масала Ўрта Осиё ҳудуди миносида янада қийинроқ кечади. Ўрта Осиё маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи халқлар маданиятининг қоришуви кечган ҳудудлар

<sup>1</sup> Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан кураимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. 134-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 134-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар. 136-бет.

<sup>4</sup> Ўша асар. 137-бет.